

## Замонавий техника ва технологияларни қўллаш - сув ресурсларидан самарали фойдаланиш гарови

Жорий йилнинг 19 июль куниси “Гидромелиоратив ишларни механизациялаш” факультетининг “СХваМИМ” таълим йўналиши 2-босқич талабаларига институт ўқув тажриба хўжалигида “Мелиорация ва қурилиши машиналарини бошқариш” ўқув амалиётини ўташ жараёнида институт профессор-ўқитувчилари доц. Муратов А.Р., доц. Матякубов Б.Ш. ва асс. А.У.Атаджанов қатнашдилар ва ер текислаш ишларини бажаришда лазерли ер текислагичнинг аҳамияти, ишлаш принципи ҳамда текислаш ишларни бажариш технологик жараёнлари бўйича маҳорат дарси, тренинг - семинарини ўтказишди.



Маҳорат дарсини ўтказишда, 2019 йил 18 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Сирдарё вилоятига ташрифи доирасида “Бек кластер” далаларида “Пахта етиштириш”да лазерли текислагичларни қўллаш натижасида эришилган ютуқлари тўғрисида, “фан-таълим-ишлаб чиқариш интеграцияси” моҳияти ва аҳамияти ҳақида тушунтиришлар бердилар. Бу соҳада таълим йўналиши талабалари томонидан ечимини кутаётган муаммолар, талабалар илмий жамияти тўғараклари доирасида ечилиши мумкин бўлган масалар тушунтириб ўтилди. Мазкур мавзу бўйича Ўзбекистон телеканалдаги лавҳалар амалиётдаги талабларга етказилди. Мастер класс ўтказиш жараёнида кластерлар бўйича маълумот берилиб, уларнинг янги техника ва технологиялар билан таъминланиши, ишни ташкил қилиниши, ҳамда талабаларни қизиқтирган бошқа бир қатор саволларга жавоблар бериб ўтилди.



Амалиётдаги талабаларга, ҚХ-А-ҚХ-2018-529 - сонли “Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида эгат кўндаланг кесимининг турғун профилини ва лойиҳавий нишаблигини таъминловчи янги технология ва техник воситани яратиш” мавзусидаги амалий грант лойиҳаси доирасида лазерли текислагич билан Тошкент, Бухоро, Хоразм вилоятида амалга оширилиши белгиланган масалалар бўйича ҳам маълумотлар бериб ўтилди. Мастер класс шаклида ўтказилган семинар-тренинг қизиқарли ва савол-жавобга бой руҳда ўтди.

**ГМИТҚ ва Т кафедраси доценти А.Р.Муратов ахбороти**

**Институт Матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**